

Тўхсанов Қудратилло Нозимович*PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети**Солиқлар ва сугурта шини кафедраси доценти.**Тошкент, Ўзбекистон. Email:gudrat8039@gmail.com**ORCID: 0000-0001-6964-278X*

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ ОРҚАЛИ РағБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада корхоналар фаолиятини солиққа тортишнинг назарий масалалари, улар фаолиятини солиқ механизми орқали рағбатлантириш йўналишлари ҳамда айрим хорижий давлатлар солиқ тизимида солиқ имтиёзларини тақдим этишга оид ҳалқаро тажрибалари ёритиб берилган. Корхоналар фаолиятини солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришда қўлланиладиган ҳалқаро меъёрлар ва механизмлар келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш истиқболлари бўйича илмий хуносалар келтирилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, солиқ механизми, солиқ имтиёзлари, солиқ турлари, солиқ режимлари, ҳалқаро солиқ тамоилилари.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 22 август куни пойтахтда иккинчи маротаба тадбиркорлар билан очик мулоқот ўtkазди. Унда Президент соҳа вакилларини қўллаб-куватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларни билдириб ўтди. Иккинчи ташабbus сифатида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизимини яратиш масаласи қўйилди[1].

Президентнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш, улар томонидан янги ва замонавий лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмини тақомиллаштириш ҳамда давлат томонидан мунтазам рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмини тақомиллаштиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ҳамда замонавий усусларидан самарали фойдаланиш белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қиласди.

Ҳозирги шароитда корхоналарнинг молиявий фаолияти маблағларнинг узлуксиз оқимини таъминлашга, тўлов ва ҳисоб-китоб интизомини амалга оширишга, ўз ва қарз ресурслари ўртасида мақбул нисбатга эришишга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, улар маълум даражада корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ўзида акс эттиради. Молиявий барқарорлик деганда бекарорлаштирувчи омиллар таъсирига қарамай, улар ҳаракатларидағи тўғри нисбатларни таъминлайдиган ҳолатга қайтиш учун уларнинг айланиш жараённида молиявий оқимларнинг қобилиятини акс эттиради[3]. Шунга асосланиб, корхона молиявий барқарорлигининг шарти ҳозирда ва келажакда корхоналарнинг қарзлари ва мажбуриятларини қоплашни таъминлайдиган молиявий оқимлар ўртасидаги аниқ нисбатларни таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, солиқ мажбуриятлари

тадбиркорларнинг фойда даражасини пасайтиради. Корхона соф фойдасини оширишга интилар экан, унинг раҳбарияти, иложи бўлса, компания фаолиятини мос равишда ўзгаририб, солиқлар таъсирини суайтиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, солиқлар тадбиркорларнинг фойда даражасини пасайтиради, бу солиқقا тортишнинг корхона фаолияти натижаларига ва унинг молиявий барқарорлиги даражасига таъсирини белгилайди. Агар солиқлар миқдори корхонанинг иқтисодий самарадорлиги, мулкчилик шакли ва солиқ ставкаларига боғлиқ бўлган маълум бир мақбул даражадан ошса, корхоналар фаолиятининг ривожи тўхтайди.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналарни солиқка тортиш ҳолати давлат даромадлари тизимида тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолати, солиқ базасини ҳисоблаш тартиби, солиқ ставкаси, солиқ даврийлиги ва тартиби, солиқ тўлаш манбаи, солиқ имтиёзлари каби солиқ элементлари билан ифодаланади. Солиқ ставкалари ошган тақдирда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари (молиявий мустақиллик, молиявий қарамлик, молиявий таваккалчилик, ўз капиталининг тезкорлиги, ҳаракатчанлик ва бошқалар) ёмонлашади. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри солиқларнинг салбий таъсири корхона капиталининг улуши камайган тақдирда ўсади, билвосита солиқларнинг таъсири эса тадбиркорнинг солиқ юкини истеъмолчига ўтказиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Билвосита солиқларнинг ўсиши истеъмолчилар томонидан қопланганлиги сабабли, молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг ёмонлашиши маҳсулот ёки хизматга бўлган талабнинг эгилувчанлиги билан белгиланади. Таъкидлаш жоизки, корхоналарга нисбатан қўлланиладиган солиқка тортиш самарадорлиги иқтисодий жараёнларни солиқ билан тартибга солиши хусусиятларини тавсифловчи солиқларни тўлашнинг халқаро рейтинги кўрсаткичлари билан сифат жиҳатидан акс этади. Шундай қилиб, ушбу рейтингнинг мухим кўрсаткичларидан бири солиқ индекси бўлиб, у мамлакат солиқ тизимининг асосий солиқлари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг даромадларни шакллантириш ва истеъмол даражасига таъсири асосида фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Материал ва методлар. Иқтисодий фанда тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кене, А.Смит ва Ж.Б.Сэй асарларида амалга оширила бошланди. “Бизнес” - сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача айтганда кишиларнинг фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятини англатади.[4].

Тадбиркор сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънени билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, деб таъкидлайди [5]. Тадбиркор ўз ишини ўзи режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадини ўзи мустақил тасарруф этади. Бизнес - бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни ўзи сўнгра эса пул ишлаш демакдир. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил қилишдир (саноат корхонаси, савдо дўкони, хизмат кўрсатиш корхонаси, аудиторлик ташкилоти, адвокатлик идораси, тижорат банклари ва бошқалар). Демак, бу ҳолатда биз йўқ нарсадан пул ишлаб топиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни ташкил этишни тушунамиз.

Кузатишларнинг кўрсатишича, хўжалик субъектлари фаолиятини солиқка тортишда тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёти етарлича ҳисобга олинмаган.

Яъни истеъмолчи хулқ атворининг ўзгариши натижасида тадбиркор таклифларининг таъсири етарлича инобатга олинмаган. Маълумки, тадбиркорликнинг ўзига хос қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, таҳлил учун муҳими мулкдорлар томонидан бошқариладиган тадбиркорлик субъектларини соликка тортишнинг оқибатларидир. Булар қаторига тадбиркорлар ташабbusлари учун мукаммал ташқи бозорнинг мавжуд эмаслиги, ташқи капиталдан фойдаланишнинг чегараланганилиги ва тадбиркорлик инновациялари, ташабbusлари ва капитал ўртасида ўзаро бир-бирини тўлдириш имкониятининг мавжуд эмаслигини киритиш мумкин.

Хорижлик иқтисодчи олим, профессор Д.Г.Черникнинг фикрича, “Соликлар давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ва ўрнатилган ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йифимларни ўзида акс эттиради” [6].

Келтирилган таъриф тўғри ва ҳамма учун тушунарли, албатта. Аммо бизнингча, бу таъриф соликларнинг ташкилий-хукуқий томонларини тўлиқ ўзида акс эттирмайди. Яна бир томони, соликлар нима мақсадда ундириб олинади, деган саволга ҳам тўлиқ жавоб берса олмайди.

Натижалар. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида пандемиядан кейинги даврдаги ривожланиш фазасига чиқиш билан боғлиқ ислоҳотларда ялпи талабни самарали рағбатлантиришнинг муҳим воситаларидан бири сифатида солик тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим драйвери сифатидаги ролига таянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг фискал ва монетар воситалари ва ноанъанавий усуllibаридан фойдаланилмоқда. Хусусан, постиндустриал цивилизация шароитида рақамли бизнес соҳасидаги кичик бизнес субъектларини соликка тортишда ягона ахборот маконига асосланган виртуал механизмни шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотлар кузатилмоқда. Шунингдек, виртуал ахборот макони шароитида “Ягона солик” назарияси тараққиётидаги концептуал йўналиш истеъмолдан олинадиган ягона солик механизмининг дастурий маҳсулларини шакллантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг марказий бўғинида солик соҳасидаги ислоҳотлар туради. Мамлакатимизда “Солик юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқиши”[2] га эътибор қаратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан эришилган натижаларни таҳлил қилиш билан биргаликда ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам анча самарали бўлди. Республикада мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ва улар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган қатор меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, босқичма-босқич миллий иқтисодиётга жорий этиб келинмоқда.

Тадқиқот давомида миллий солик тизимида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солик имтиёзлари ва преференциялари воситасида рағбатлантириш механизмининг амалдаги ҳолати ҳамда солик имтиёзларини тақдим этишда хорижий давлатларнинг илфор тажрибаларини қўллаш йўналишларини белгилаб олиш жараёнида мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, иқтисодий

статистик таҳлил ва синтез, статистик гурухлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таъкидлаш жоизки, корхоналар ва умуман иқтисодиётнинг реал секторига нисбатан мувозанатли ва самарали солиқ сиёсатини шакллантириш истеъмолчи ва инвестиция талабининг конъюнктура ва циклик тебранишларини, фискал тартибга солиш хусусиятлари ҳамда тамойиллари ўзгаришидан кечикиш таъсирини ҳисобга олишга асосланган. Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, солиққа тортиш механизмлари ва воситалари барча даражадаги бюджетларга солиқ тушумлари динамикасидаги тегишли ўзгаришларни олдиндан белгилайди. Шу билан бирга, солиқни тартибга солишнинг меъёрий таъминотини ўзгартириш тадбиркорларнинг янги иш шароитларига мослашиш учун тегишли чораларни кўришга мажбур бўлишига бевосита таъсир қиласи. Шунинг учун давлатнинг солиқ тизимини шакллантиришнинг белгиловчи тамойилларидан бири, фискал етарлилик ва иқтисодий мақсадга мувофиқлик тамойиллари билан бир қаторда, барқарорлик тамойили бўлиб, унда солиқлар ва йиғимларнинг ҳар қандай элементларига ўзгартиришлар олти ойдан кечиктирмай киритилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Янги бюджет даври бошланишидан олдин қайси янги қоидалар ва ставкалар қўлланилиши, солиқлар ва йиғимлар, уларнинг ставкалари, шунингдек солиқ имтиёзлари бюджет йилида ўзгариши мумкин эмаслиги белгиланади.

Бюджет даромадлари иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш учун молиявий сиёсатни шакллантириш ва фаолият юритиши асосларини аниқлаш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, уларнинг таркиби ва тузилиши мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш векторини танлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бюджет даромадлари таркибida солиқ тушумларининг устунлиги мамлакатда ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш учун солиқ воситаларига эътибор қаратилганлигини кўрсатади. Дунёning юқори даражада ривожланган мамлакатларининг аксарияти бюджетда солиқ тушумларининг сезиларли улушига эга, аммо бошқа манбаларнинг роли ва аҳамияти ҳам муҳим бўлиб қолмоқда. Бу эса самарали солиқ сиёсатини олиб боришга имкон беради, бу ялпи талабнинг циклик ўзгариши даврида иқтисодий динамикага сезиларли салбий таъсир кўрсатмайди.

Бизнес соҳасини солиқ билан тартибга солиш, биринчи навбатда, барча иқтисодий агентлар иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш учун етарли имкониятларга эга бўлган мамлакатнинг солиқ сиёсати фаолияти учун шундай институционал муҳитни яратишга асосланади. Бу, молиявий муносабатларнинг инвестиция ва инновацион ўзгаришларни рағбатлантириш, қўшилган қиймат солиғи ва трансфер нархлаш, бюджетни қоплаш тизими ошкоралигини таъминлаш орқали давлат молиявий сиёсатининг ўзаро таъсир салоҳиятини ошириш каби муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, деярли барча ривожланган мамлакатларда давлат тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиб, унинг энг мос ва самарали йўналишларини кўллаб-қувватлайди [7].

Таъкидлаш жоизки, хусусий тадбиркорликнинг қўп асрлик анъаналари мавжуд бўлган мамлакатларда бизнес фаолияти қўллаб-қувватлашга муҳтож ва уни давлат қўллаб-қувватлаш дастурлари асосида амалга оширади. Бозор иқтисодиёти ривожланган АҚШ, Германия ва Франция бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кенг ва яхши йўлга қўйилган тизимига эга. Бошқа давлатларда эса шунга ўхшаш тизимнинг шаклланиши ва ривожланиш йўлидан борилмоқда.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси солиқнинг асосий функцияларидан бири бўлишига қарамай, солиқ тизимида фискал ва назорат функциялари устунлик қиласди. Шундан келиб чиқиб, биринчидан, иқтисодиётни ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, хусусан, бюджет даромадларининг асосий бўғинларидан бири сифатида солиқ сиёсатининг устувор йўналиши сифатида амалга оширилиши керак. Амалдаги солиқ тизимининг асосий муаммоларидан бири солиқ тўловчиларга, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига юқори солиқ юки даражаси мавжуд бўлиб ва бу айниқса кичик бизнес субъектлари учун ўзининг таъсирини кўрстади.

Ривожланган мамлакатларнинг барқарор солиқ сиёсатини амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ муносабатлари давлатда тадбиркорликнинг ривожланишини секинлаштириши ҳамда тўсқинлик қилиши ёки аксинча – бизнес соҳасининг тараққий этиши учун муҳим рағбатлантирувчи восита вазифасини бажариши мумкин. Шундай қилиб, илмий адабиётларда дунё мамлакатларида тадбиркорликни ривожлантириш учун солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг қўйидаги шакллари келтирилган. Булар, янги ташкил этилган корхоналарга солиқ таътилларини тақдим этиш, улар тўлайдиган фойда солиғи ставкаларини пасайтириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини топширишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш, инвестицияларни рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ва инновациялар соҳасига қилинган харажатларни рағбатлантиришни ўз ичига олади.

Тадқиқотлар жараёнида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ имтиёzlари воситасида рағбатлантириш шаклларини айрим мамлакатларда қўлланилишини кўриб чиқамиз.

Францияда янги ташкил этилган корхоналарга нисбатан солиқ таътилларини бериш ёш инновацион корхоналарга биринчи молия йилида қўлланилади. Иорданияда эса солиқ таътиллари янги ташкил этилган корхоналарга олти йилгача берилади[8]. Индонезияда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ташкил этилган янги корхоналарга икки йилдан олти йилгача солиқ тўламаслик имконияти берилади. Нидерландияда солиқ таътилиниң бир тури - бу иштирок этишдан маҳсус озод қилиш, унга кўра корхонанинг барча капитал даромадлари ва акцияларга мақбул эгалик қилиш натижасида олинган дивидендлар солиқлардан озод қилинади[7].

Францияда даромад солиғи ставкаларининг пасайиши йил давомида даромади 38 минг евродан ошмайдиган кичик корхоналар учун 15% (стандарт ставкада 33,3% ўрнига) солиқ тўлашига асосланади. Нидерландияда корхоналар учун даромад солиғи ставкаси йилига 200 000 еврогача бўлган солиқ солинадиган фойда учун 19 %, агар фойда бу миқдордан ошган тақдирда эса, солиқ ставкаси 25% ни ташкил қиласди[8].

Полшада, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқлар воситасида қўллаб-куватлаш қўйидагича қўлланилади:

экспорт товарлар учун қўшилган қиймат солиғи ноль даражали ставкада;

шунингдек, бир саноат доирасида маҳсулотлар етказиб бериш учун, халқаро транспорт хизматлари, компьютерлар учун атроф-муҳит, серверлар, ва бошқалар, ногиронлар учун компьютер техникаси ва аксессуарлари, рақамли маълумотларни узатиш мосламалари учун 5%;

озиқ-овқат маҳсулотлари; китоб нашрлари, маҳсус мавзувий газеталар, газета ва журналларга нисбатан 8%;

махсус мавзувий газеталардан ташқари, қишлоқ хўжалиги хизматлари, дори воситалари ва фармацевтика маҳсулотлари, маданий тадбирларга чипталар, курилиш сектори; бошқа маҳсулотларга нисбатан 23%. [8]

Германияда экспорт, сотиб олинган хомашё, ижара соҳасида, агар битим ижтимоий аҳамиятга эга бўлса, кредит соҳасида қўшилган қиймат солиғи ундирилмайди.

Инвестицияларни рағбатлантиришга келсак, Францияда солиқ ставкаси пасайтирилган кичик корхоналарнинг солиқ солинадиган фойдасининг бир қисми ўша корхонага инвестициялар учун ишлатилиши керак. АҚШда кичик бизнес капитал активларига инвестицияларни агар уларнинг йиллик ҳажми 24 минг доллардан ошмаса солиққа тортишдан озод қилиш кўзда тутилган[9].

Буюк Британияда бинолар ва жиҳозларнинг амортизацияси бўйича солиқ чегирмаси кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради, бу баъзи корхоналарга солиқ базасидан 40% гача чегириб ташлаш имконини беради. Нидерландияда эса солиқ солинадиган фойда капитал активларига инвестициялар ҳисобига камаяди[8].

Баъзи постсовет мамлакатларида, хусусан, Эстонияда корхона ўз ривожланишига реинвестиция қилган фойданинг бир қисми солиқдан озод қилинган ва Эстония корхоналарининг ҳар қандай инвестициялари, шу жумладан бошқа мамлакатларга йўналтирилган инвестициялари ҳам даромад солиғидан озод қилинган.

Буюк Британияда илмий-тадқиқот харажатларини рағбатлантириш 2000 йилдан бери солиқ базасидан тадқиқот харажатларини кичик ва ўрта бизнес учун 150% миқдорида чегириб ташлашнинг оширилган ставкасидан фойдаланган ҳолда қўлланилмоқда. АҚШда айрим турдаги илмий-тадқиқотлар учун харажатлар ўсишининг 20 фоизини ҳисобланган даромад солиғидан базавий даврдаги (тўрт йил) ўртacha харажатларга нисбатан ушлаб қолиш мумкин[10].


Францияда сўнгти икки йил ичida тадқиқот ўтказиш, илмий-тадқиқот, асбоб-ускуналар сотиб олиш ва тадқиқотчиларга иш ҳақ тўлаш харажатлари ўсишининг 50 фоизи даромад солиғи суммасидан ушлаб қолиниши мумкин. Нидерландияда илмий тадқиқотларда иштирок этадиган ходимлар учун иш ҳақи харажатлари солиқ мажбуриятларидан озод қилиш мумкин[11].

Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган мамлакатларда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёzlари тажрибасини ўрганиш натижасида ушбу мамлакатларда тадбиркорликнинг изчил ривожланиши кўп жиҳатдан давлатнинг рағбатлантирувчи йўналишдаги муваффақиятли солиқ сиёсати билан боғлиқ деган холосага келиш мумкин. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатларнинг муайян худудларида жойлашган корхоналарга нисбатан қўлланилганига қарамай, бундай сиёсатнинг афзалликлари деярли барча ҳудудларда ўз аксини топди. Ривожланган мамлакатлар молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш шароитида ҳам солиқ усувлари асосида корхоналар ривожланишини рағбатлантириш зарурлигини эътиборсиз қолдирмайдилар.

Бинобарин, ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун солиқ тизимида, хусусан, кичик бизнесга нисбатан фискал рағбатлантириш механизми самарадорлигини ошириш ва солиқ юкини оптималлаштириш зарур.

Бугунги кунда солиқ маъмуриятчилигининг асосий вазифаси солиқ тушумларини фаоллаштириш ва кўпайтиришнинг янги механизмларини излаш ва амалга ошириш бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, солиқ менежменти давлат

вазифаларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш ва солиқ рақобатини ошириш учун етарли бўлган иқтисодий мақбул, ижтимоий жиҳатдан адолатли солиқ даражасини аниқлаш мақсадида солиқ юки ҳамда солиқ қарзини камайтиришга қаратилган.



1-расм. Корхоналар фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш механизми чизмаси¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорларга нисбатан самарали солиқ сиёсатини шакллантиришда жамоатчилик менталитетининг ўзига хос хусусиятларини (хусусан, солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларини ривожлантириш каби омилни) ҳисобга олиш керак. Жамоатчилик фикрининг ҳолати эътибордан четда қолган тақдирда бюджетга солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлашда муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабли, солиқ юкининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан нотўғри тақсимланиши корхоналар молиявий барқарорлиги даражасининг пасайиши ва бунинг натижасида бюджетга солиқ тушумларининг камайиши шаклида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

1-расм маълумотларини таҳлил қиласидаган бўлсак корхоналар фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш механизми уч босқични ўз ичига олади: 1)

¹ Муаллиф ишланмаси.

молиявий кўрсаткичларни бирлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби тамойилларини мувофиқлаштириш; 2) истеъмол таркибига кўра таннархга боғлиқ солиқ тўловларини камайтириш, солиқ солинадиган обьектлар ва уларни тўлашнинг реал манбаларини оптималлаштириш орқали солиқ қарзларини тўлаш учун айланма маблағларни олиб қўйишининг олдини олиш; 3) жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда солиқ маъмуриятчилиги харажатларини камайтириш ва кичик бизнесни солиққа тортиш механизмини ислоҳ қилишга қаратилган солиқ менежменти тартибларини соддалаштириш. Таклиф этилаётган механизм солиқ тўловчи субъектлар ва давлат ўртасида молиявий оқимларни фаоллаштиришни ўз ичига олади. Ушбу фаоллаштиришнинг асоси бўлиб тадбиркорлик фаолияти учун солиқ солиш соҳасида қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишининг асосий воситаларидан бири давлатда тўғри ишлаб чиқилган солиқ сиёсати бўлиб, у биринчи навбатда аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш, иқтисодиётдаги инқизорзли ҳодисаларни бартараф этишга қаратилган бўлиши лозим[12].

Мунозаралар. Шу муносабат билан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат сиёсати чора-тадбирлар режасини оралиқ ва якуний натижаларни назорат қилиш тизими билан аниқ шакллантириш ҳамда мувофиқлаштириш, шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик субъекти фаолиятига аралашуви минималлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиша амалдаги солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни ундириш ва солиқ маъмуриятчилиги тизимини соддалаштириш, шунингдек тадбиркорликни фаол ривожлантириш учун зарур бўлган қисқа муддатли солиқ имтиёзларини тақдим этиш устувор вазифа сифатида эътироф этилади. Хусусан, солиқ ислоҳотини амалга ошириш жараённида биринчи навбатда, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида корхоналарга инвестицион имтиёзларни, масалан, солиқ имтиёзларини, асбоб-ускуналар ва номоддий активларга сармоя киритишни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади; тўловчиларга солиқ юкини камайтириш учун солиқларни олдиндан тўлаш тизимини оптималлаштириш; солиқларни тўлашни кечикириш орқали бўлиб-бўлиб тўлаш шартларини соддалаштириш ва солиқ мажбуриятларини кечикириш; хорижий давлатларнинг юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда солиқ маслаҳатчилари институти фаолиятини ривожлантириш. Умуман олганда, солиқ ўзгаришлари ва корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш шаклини танлаш, биринчи навбатда, ўз капиталининг кўпайишини таъминлаши керак. Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида корхоналар фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш механизмининг таклиф этилаётган йўналишлари корхонани ривожлантириш муаммоларининг муросали ечимиға айланиши мумкин. Бу эса, бюджетлараро муносабатларни оптималлаштиради ва бюджетнинг солиқли даромадларини оширишга хизмат қиласи.

Бугунги кунда кичик тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти учун солиқни оптималлаштириш масаласи ўзига хос аҳамиятга эга. Солиқ муносабатларида солиқларни оптималлаштириш - бу солиқ юкини камайтириш нуқтаи-назаридан энг даромадли бизнесни ташкил этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Солиқларни оптималлаштириш усулларига куйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

✓ солиқ режимини танлаш корхонани ташкил этиш босқичида ва ҳисобот йили охиридаги солиқ юки динамикасини таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши керак;

✓ қонуний солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

✓ солиқни режалаштириш ёрдамида корхонада ҳисобланган солиқлар миқдори динамикасини ва келгуси молиявий йил учун солиқ юки даражасини башорат қилиши мумкин.

Солиқни минималлаштириш корхонанинг солиқ базасини камайтириш учун Солиқ Кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган усуллардан фойдаланишдан иборат.

Корхоналарда солиқларни минималлаштиришнинг асосий усуллари қўйидагилардан иборат:

ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш. Бунда қонун билан рухсат этилган корхона фаолиятини ҳисобга олишининг айrim усулларини киритиш ҳисобланган солиқлар миқдорини камайтиришга имкон беради.

корхона учун солиқларни минималлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган схемалар ёрдамида у ўз бизнесига солиқ юкини қонуний равища камайтириши мумкин бўлади.

корхонанинг бизнес жараёнига солиқ юкини минималлаштириш учун солиқ қонунчилигига назарда тутилган усуллардан фойдаланиши.

Солиқ юкини минималлаштириш учун солиқ тўлашдан бўйин товлаш юқори хавфлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу усулдан фойдаланганлик учун жазо чоралари солиқлардан қочиш схемаларини қўллашдан молиявий имтиёзлардан сезиларли даражада ошади.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг кўплаб вариантлари нафақат маъмурий, балки жиноий қонунчилик доирасига киради, шунинг учун биз солиқ юкини минималлаштиришнинг ушбу гурӯхини кўриб чиқмаймиз ва қўллашни тавсия бермаймиз.

Тадбиркорлик субъекти томонидан тўланадиган солиқлар миқдори ва солиқ юкининг ҳажмига энг кўп таъсир қўрсатадиган асосий параметрлар сифатида қўйидагиларни келтириб ўтишни лозим топдик:

мулкчилик шаклини танлаш;

солиқ тизимини танлаш;

корхонанинг фаолият тури ва уни рўйхатдан ўтказиш жойи;

даромад ва харажатлар нисбати;

харид қилинган ва ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғининг нисбати.

Хулоса. Умуман олганда, солиқ тизими давлатнинг стратегик ривожланиш мақсадларига мувофиқ яратилганлиги сабабли фақат қисқа муддатли фискал вазифаларни бажаришга йўналтирилган тизим ҳисобланиб иқтисодиётни барқарорлаштира олмайди ва унга бўлган ишонч даражасини оширмайди. Шу боисдан биз амалга оширган тадқиқотлар доирасида бир қатор иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш натижасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш- нинг қўйидаги устувор йўналишларини таклиф қилдик:

– мамлакат миллий иқтисодиётининг иккиласи ва учинчи даражали тармоқларини, жумладан, ишлаб чиқариш, транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш натижасида маҳаллий бюджетларнинг солиқ тушумлари ошишига эришилади.

– тадбиркорлик фаолиятидан манфаатдор шахсларни бирлаштирувчи, уларнинг ишини мувофиқлаштирувчи, кичик бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлайдиган “ўсиш нуқталари”, саноат парклари, ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллий ҳамжамият ташкилотларини шакллантириш натижасида фаолият самарадорлиги ошиши таъминланади.

– инвестиция ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида умумдавлат солиқларининг маълум бир қисмини маҳаллий бюджетларга, шу жумладан ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатларга ўtkазиш корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Президентнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти: янги ташаббуслар, қулайлик ва енгилликлар. // Халқ сўзи. 22 август 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 28 декабрь 2018 йил.
3. Бафталовская Е.В. Влияние налогообложения на результативность деятельности компаний // Векторы экономики. 2018. - № 6 (24). - С. 22-35.
4. <https://taxfoundation.org/corporate-tax-rates-around-world-2018>
5. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик.-Т.: «Меҳнат», 1999.
6. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. - М.: 1962. – 408 с.
7. Григорьева И.С. Анализ зарубежной практики налогового стимулирования инновационной деятельности // Академическая публицистика. 2019. - № 12. - С. 113-116.
8. Жук Е.М. Стимулирование предпринимательской деятельности на основании усовершенствования налогового регулирования. URL: <http://intkonf.org/zhuk-em-stimulyuvanniyapidpriemnitskoyi-diyalnosti-na-pidstaviudoskonalenna-podatkovogoregulyuvan> нуа (дата обращения: 20.01.2020).
9. Чистов И.В., Воскобойников А.И. Зарубежный опыт налогового стимулирования реального сектора экономики // Экономика и предпринимательство. 2017. - № 10-2 (87). - С. 60-64.
10. Белякова Е.И., Моденов А.К. Налоговое стимулирование как инструмент реализации налоговой политики // Петербургский экономический журнал. 2019. - № 2. - С. 134-143.
11. Приоритеты налоговых стимулов: мировой опыт. Материалы аналитического центра «академия». URL: <http://www.academia.org.ua> (дата обращения: 25.01.2020).
12. Щербина М.В. Новая экономика: институциональные ограничения в сфере среднего предпринимательства // Финансы, деньги, инвестиции. 2015. - № 4 (56). - С. 9-13.